Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 118 (3619)
ЖУМА
26 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

Куйбишев район партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарларини ҳамда ташкилий ва ғоявий-сиёсий ишларнинг услуби ва методларини янада такомиллаштириш бўйича район партия ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Т. Э. Эргашев доклад қилди.

Докладда ва активда сўзга чиққан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг проректори, 18-армия ветерани М. И. Муродов, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Тошкент олий партия мактабининг ходими Г. Ф. Жданов ва бошқаларнинг нутқларида ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари совет кишиларини интернационализм, қардошларча бирдамлик руҳида тарбиялайди, барча қийинчиликларни енгиб ўтишга, коммунистик идеалларнинг тантанаси учун курашишга ўргатади, деб таъкидланди. Бу асарлар партия ташкилотларни фаолиятининг жанговар программаси бўлиб қолди.

Активга қатнашчилари шунингдек, КПСС XXV съезди қарорлари асосида спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ривожлантириш бўйича район партия ташкилоти ишларини янада такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар. Шу ҳақда Куйбишев район партия комитетининг иккинчи секретари Г. В. Колбасин ахборот берди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Москва вақти билан соат 18 да Олмаота аэропортидан Олмаота — Тошкент — Олмаота маршрути бўйлаб биринчи марта ТУ—154 ҳаво лайнери парвоз қилди. Шу вақтгача мазкур трассага турбовинтли ИЛ—18 ва ЯК—40 самолётлари хизмат кўрсатар эди. 152 ўринли ТУ—154 самолёти Тошкентгача бўлган 800 километр масофани 1 соату 15 минутда босиб ўтади.

1 июндан бошлаб республикамизда яна бир ҳаво линияси очилади. Шу йил ёздан Украина граждан авиацияси бошқармасининг экипажлари ТУ—134 самолётларида Киев—Самарқанд—Киев трассаси бўйлаб рейсларни бажара бошлайдилар. Шу рейслардан айримлари Волгоград ва Гурьевда, бошқалари Астрахань шаҳрида тўхтаб ўтади.

Ёзда Тошкент аэропортидан мамлакатимизнинг турли шаҳарларига ҳар куни 230 рейс бўйлаб самолётлар парвоз қилади.

Бугун

Новосибирск, Рига, Киев ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан келган туристларнинг катта группаси Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг марказий кўргазмалар залида бўлиб, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг шахсий виставкаси билан танишдилар. Кўргазмага 300 дан зиёд тасвирий санъат асарлари қўйилган. Замондошларимизнинг портретлари, манзарали расмлар, натюрмортлар, лавҳалар шулар жумласидандир. Виставкада ва рассомнинг ижодида ўзбек хотин-қизларининг образи алоҳида ўрин эгаллайди. Р. Аҳмедов ўзининг «Қаҳрамон она», «Она ўйлари», «Депутат», «Баҳор», «Қашқадарёлик аёл» ва бошқа картиналарида хотин-қизларимизнинг ҳам маънавий, ҳам ташқи қиёфасида содир бўлган ўзгаришларни акс эттирган.

Рассомнинг асарлари республикамиздан ташқарида ҳам маълум. Улар республика ва Бутуниттифоқ кўргазмаларида намойиш этилган, кўчма кўргазмалар билан Польша, Руминия, Болгария ва бошқа мамлакатларда намойиш этилган. Р. Аҳмедовнинг энг яхши асарлари Тошкент, Самарқанд, Урганч, Наманган, Нукус ва республикамизнинг бошқа шаҳарларидаги музейларнинг кўргазма залларини безаб турибди. Унинг 1953 йили битилган дастлабки асарларидан бири — «Халқ ҳофизи» асари Репин номли Ленинград тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтида сақланмоқда. «Ўзбек қизи портрети» Москвадаги шарқ халқлари санъати давлат музейида, «Қашқадарёлик аёл» асари Третьяков давлат галереясида сақланади.

●


Б. Хмельницкий кўчасида («Узгипросельстрой» институтининг лойиҳаси асосида) 280 ўринли янги болалар боғчаси қурилмоқда. Бугун қурувчилар ноль белгисидаги йиғма темир-бетон колонналарни монтаж қилишни тугалладилар. Объект грифидан ўн беш кун ўзиб ҳолда бунёд этилмоқда. Қурилишни 153-трестнинг 3-қурилиш бошқармаси олиб бормоқда. Объектда В. Коваленко бошлиқ комплекс коммунистик меҳнат бригадаси меҳнат қилияпти. Икки қаватли болалар боғчасининг фойдали сатҳи 1800 квадрат метрни ташкил этади. Қурилишда гишт терувчи В. Наришкин, дурадгор Н. Клейменов, электр пайвандчи Н. Бурҳонхўжаев ва бошқалар зарбдорларча меҳнат қилишмоқда. Қурувчилар болалар боғчасини шу йил сентябрь ойида фойдаланишга топширишмоқчи.

Эртага

Тошкент авиация техникумининг спорт залида болаларнинг қувноқ овозлари бир неча кундан бери тинмайди. Бу ерда ўқувчилар ижодининг якунловчи кўрик-кўргазмаси ўтказилмоқда. Унда олий математика ва тригонометрия бўйича тренажёрларнинг ҳаракатдаги моделлари, геометрик шаклларнинг макетлари, М. А. Шолоховнинг ҳаёти тўғрисидаги рефератлар, чет эллик рассомларнинг асарларидан репродукциялар, турли асбобларнинг намуналари намойиш этилмоқда.

Болаларнинг берилиб, кўп меҳнат сарф қилганликларидан далолат берувчи оригинал ва қизиқарли ишлар жуда кўп. С. Гуларим, В. Каташов ва Ажогинлар ясаган поток ишлаб чиқаришни тўла автоматлаштиришни кўзда тутувчи автомат линия, А. Марковнинг борт жиҳозлари билан бирга люк қопқоғи йиғиладиган стапелнинг модели, саноат ускуналари ва ёрдамчи хизматлар энг рационал жойлаштирилган механика цехларининг макетлари шулар жумласидандир.

Эртага авиация техникуми ўтказадиган очиқ эшиклар куни муносабати билан шаҳримиз мактабларининг битирувчилари ана шу кўргазма билан танишиш имкониятига эга бўладилар.



Тошкент ёг-мой комбинати Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг илғор корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда 25 хилдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Комбинат бу йил 55 миллион сўмлик пахта мойи, майонез, маргарин, ўсимлик мойи ва бошқа хил маҳсулотлар етказиб беради.

СУРАТДА: автоклав цехининг илғор ишчиларидан бири техника ускуналарининг оператори Мунаррам Усмонова. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Беш йилликнинг уч йили плани — СССР Конституцияси кунигача

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ РАПОРТИ

Беш ойлик план бажарилди

Тошкент саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширабориб, ўнинчи беш йиллик учинчи йилни топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирибсаноат маҳсулотларини реализация қилиш ва буюмларининг кўпчилик муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича беш ойлик давлат планини бажардилар.

БУГУН

МУДДАТИДАН УЧ ОЙ ИЛГАРИ

6-қурилиш трестига қарашли 70-қурилиш бошқармасининг Юрий Губайдулин бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари пойтахтимизнинг Урол Тансиқбоев массивида 280 кичкинтойга мўлжалланган болалар боғчаси биноси қурилишида зарбдор суръат билан ишлашмоқда.

— Объект йилнинг охирида битказилиши керак эди,— дейди бригада етакчиси.— Бироқ ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, қурилишни учинчи кварталда фойдаланишга топширишга қарор қилдик.

Бошқарманинг илғор коллективи ҳисобланган бригада қурувчилари ва монтажчилари юксак ахдга яраша ишлаш учун иш вақтидан унумли фойдаланишяпти. механизатнинг илғор усулларини қўллашяпти. Шу сабабли ҳам Ю. Губайдулин бошлиқ бригада ойлик топшириқларини 120-130 процентдан адо этмоқда.

ВАЪДАГА ЯРАША

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигига қарашли тажриба ремонт-механика заводининг механика участкасидаги Николай Вишняков бошлиқ, слесарлик-пайвандлаш участкасидаги Юрий Шаталов бошлиқ бригадалар СССР янги Конституцияси кунигача ўнинчи беш йилликнинг уч йили топшириғини бажаришга ваъда беришган. Ҳозир бу бригадаларнинг аъзоматлари ваъдага яраша меҳнат қилиб, ойлик топшириқларини мунтазам 125—130 процент атрофида адо этишяпти.

Николай Вишняков бошлиқ бригада аъзоматлари буюртмаларни муддатидан илгари адо этишдан ташқари, ҳом ашё материалларидан рационал фойдаланиш, деталларга юксак аниқликда ишлов бериш орқали анчагина металлни тежаб қолишяпти. Куни-кеча корхона беш ойлик топшириғини муваффақиятли бажаришда ҳам мазкур бригадаларнинг муносиб ҳиссаси бор. Йил бошидан бери буюртмачиларга 450 минг сўмликка яқин ностандарт буюмлар ва эҳтиёт қисмлар юборилди.

ЗЛОБИНЧИЛИК ҲАРАКАТИГА КЕНГ ЙЎЛ —

Катта эътибор бериляпти

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобиннинг бригада пудратчи методи пойтахт қурилишларига изчиллик билан тадбиқ этилмоқда. Чунки бу усул қурилиш ишларининг сифати, самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 153-қурилиш трестида ўтган йили 22 нафар бригада злобинча усулда ишлаган бўлса, бу йил охиригача уларнинг сонини 26 тага етказиш кўзда тутилган. Бу эса трестда меҳнат қилаётган қурувчилар умумий сонининг 47 процентини ташкил этади.

14-қурилиш бошқармасининг В. Христодуло бошлиқ бригадаси Абдулла Қаҳҳор кўчасида турар жой биносини злобинча усулда бунёд этиб, қурилиш ишларининг сифатини оширишга, смета баҳосини қарийб 104 минг сўмга арзонлаштиришга эришди. Бригада бу кўчада яна иккита уй-жой биносини қуряпти. Шу кунларда бу объектларда ҳам кунлик планлар оширибошириб бажарилаяпти, бинокорлик ишларининг таннархи арзонлашяпти.

Трестнинг Р. Знёев, Я. Абдусаматов бошлиқ бригадалари ҳам злобинча усулда ишлаб, қувончли ютуқларни қўлга киритишмоқда.

1981 ЙИЛНИ ҚАРШИЛАБ

«Главташкентстрой» трестининг 12-қурилиш бошқармасининг Борис Путилов бошлиқ дурадгорлар бригадаси аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан қизғин қўллаб-қувватланган бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга аҳд қилган ўн нафар мобайинда 2-Сергели массивида, Абдулла Қаҳҳор, Наққошлик, Тимирязев, Сегизбоев номли кўчаларда турар жой биноларини ва медицина техникумининг ётоқхоналари, 2-пойафзал фабрикаси қурилишида дурадгорлик ишларини сифатли қилиб адо этди.

Бригада ўтган вақт ишлаб чиқариш илғорининг ташаббусига кўшилиб меҳнат қилиши натижасида улкан галаба қўлга киритишди. Улар икки йилу тўрт ойдан зиёдроқ вақт ичида 144,5 минг квадрат метр майдонда дурадгорлик ишларини амалга оширишиб, беш йиллик планни бажаришди.

«Курашаётган Африка, сен билан биргамиз!»

Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 25 майда бўлиб ўтган тантанали йиғилиши қатнашчилари якдиллик билан шу гапни айтдилар. Йиғилиш Африка озодлиги кунига ва Африканинг жанубидаги халқлар билан бирдамлик ҳафталигига бағишланди. Йиғилишда республиканинг олий ўқув юртларида таълим олаётган Африка мамлакатларидан келган студентлар, У Тошкент кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонлари ҳозир бўлдилар. Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон комитетининг раиси Т. А. Саримсоқов доклад қилди.

Сўзга чиққанлар планетада Улуғ Октябрь ғояларининг тантанаси тўғрисида, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсати ҳақида фахрланиб гапирдилар. Совет кишилари Африка халқларининг миллий озодлик учун курашига ҳамиша ғоятда бирдамлик ҳис-туйғулари билан қарейдилар, деб таъкидланди йиғилишда.

Йиғилишда Анголадан келган меҳмон Арманд де Гинапу гапириб, Совет Иттифоқи Африканинг содиқ дўсти бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади, деди. Меҳмондўст ўзбек диёрида бўлган кунларимизда бунга яна бир бор ишондик. Африка озодлиги куни муносабати билан бугун газеталарда Леонид Ильич Брежневнинг Африкадаги давлатлар ва халқларга табриги эълон қилинганлиги ҳаммамизни қувонтиради, кучимизга куч қўшади.

(ЎзТАГ).

● *Фестиваль кундалиги*

ОЗОД АФРИКА ОВОЗИ

ТОШКЕНТ-78 ОЗОД АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ

V INTERNATIONAL FESTIVAL OF FILMS FROM ASIA, AFRICA AND LATIN AMERICA TASHKENT May 23 to June 1, 1978

Африка озодлиги куни муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Африка давлатлари ва халқларига йўллаган табригининг матбуотда эълон қилиниши Тошкент Халқаро кинофестивалида 25 май куни алоҳида шавқ-завққа сабаб бўлди.

— Бу табрик Африка қитъасининг халқлари ўз олдига қўйган мақсадларни совет кишилари чуқур тушунганликларини яққол кўрсатиб турибди,— деди Эфиопиядан келган кино арбоби Бекеле Ашагре.— Биз бу ерда, кинофестивалда самимий дўстликни, биз эришган муваффақиятларимиздан манфаатдорликни ҳамиша сезиб турибмиз. Биз бу кинофестивалда иштирок этишни ўзимиз учун катта шараф деб биламиз.

Тошкент киноанжуманида Африка мамлакатларининг ривожланиб келаётган кино санъатининг ўнлаб картиналари намойиш қилинади. Бадиий ва ҳужжатли лентлар Африка кинематографиячиларининг кенг ижодий изланишлари ва дастлабки муваффақиятлари билан танишиш имкониятини беради. Бу лентлар уларнинг империализмга ва ирқчиликка қарши, эски ва янги мустамлакачиликка қарши, миллий мустақиллик учун кураш ишига ўз ҳиссасини қўшиш хоҳишини акс эттиради.

Халқларнинг озодлик учун кураши тўғрисида ҳикоя қилувчи, демократия тантанасини қарор топтирувчи, социал тараққиётга ва ер юзида тинчликка даъват этувчи фильмларни Ангола, Гвинея-Бисау, Конго Халқ Республикаси, Танзания ва бошқа Африка мамлакатларининг кинематографиячила р и фестивалга ўзлари билан олиб келдилар. Тошкентда ҳозир давом этаётган киноанжуманда ана шу қитъадаги йигирма саккиз давлат иштирок этмоқда.

— Бизнинг ҳозирги асосий вазифаларимиздан бири — ғоявий ва профессионал жиҳатдан юксак савияли фильмлар яратишни ўрганиб олишдан иборатдир,— деди матбуот конференциясида Марокаш делегациясининг аъзоларидан Беннани Куидер.—Матбуот конференциясида «Кунлар» фильми муҳокама қилинди. Биз шунга аминмизки, ушбу фестивалда иштирок қилиш, совет кино санъати асарлари ва бошқа мамлакатларнинг картиналари билан танишиш бизга бу вазифани ҳал этишда ёрдам беради. Бизнинг бу ерда кўрсатилган фильмимизда профессионал актёрлар йўқ. Фильмнинг сюжети тўла-тўкис кундалик ҳаётдан олинган. Камбағал деҳқон Абдул Вахад тақдири мисолида ҳозирги замон Марокаш қишлоғига хос бўлган зиддиятлар ва проблемалар тўғрисида ҳикоя қилинади.

25 майда Африка озодлиги куни фестиваль кўриклари программасида ўзининг кенг ифодасини топди. Жазоир, Мавритания ва бошқа мамлакатларнинг кинематографиячилари ўзларининг янги асарларини кўрсатдилар.

Турли мамлакатлардан келган кинематографиячилар фестивалда янги фильмнинг кўриклари бригаликда ўтказмоқдалар, қилинган иш натижаларига баҳо бермоқдалар. Шу билан бирга ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорлик қилиш режаларини мўлжалламоқдалар. Масалан, совет кинорежиссёри Станислав Ростоцкий ва машҳур япон актери Тосиро Мифунэ бригаликда «Россия тўғрисида тушлар» фильмини яратиш ниятлари борлигини маълум қилишди. Бу бизнинг кўпдан буёнги муштарак орзуимиз, деб таъкидлашди улар, бу галги учрашув ана шу орзуни рўёбга чиқаришга ёрдамлашади. Сценарий тайёр. Унга япон ёзувчиси Иноуэ Ясусининг кема ҳалокатига дучор бўлган ва Россияга тушиб қолган бир группа япон денгизчилари тўғрисида, бу ерда уларга ёрдам ва мадад берилганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи китоби асос қилиб олинган Гарчи воқеа узоқ ўтмишга тааллуқли бўлса ҳам, бу— иккала мамлакат халқларининг саховатли ва қадимги дўстлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

— Фильм шахсан мен учун жуда муҳим ва қизиқарлидир,— дейди Т. Мифунэ.—Фильмда япониялик актёрлар билан биргаликда совет актёрини машҳур усталари ҳам қатнашадиларки, улар билан бирга ишлаш биз учун ғоят фойдали деб ўйлаймиз.

А. БАРАНОВ,
О. ОСИПОВ,
УзТАГ мухбирлари.



СУРАТДА: фестивалда иштирок этаётган Ироқ Республикаси делегацияси. М. Нуриддинов фотоси.

● *Сўз-фестиваль қатнашчиларига*

ТИЛАКДОШИМИЗ

Опа-сингил Санжита Парвин БАНО, Куавита Насрин БАНО, Покистон киноактрисалари.

Биз опа-сингилнинг қувончимиз бир олам. Покистондаги оддий бир оиланинг икки санъаткор қизи сизнинг Тошкент анжуманингизда қатнашаётганлигингиздан ғоятда мамнунмиз. Бизнинг кино санъатига бўлган муҳаббатимиз, маҳорат сирларини эгаллаётганлигимиз, оддий Покистон аёлларининг қалб туйғуларини экран нурида тасвирлаётганлигимиз сиз ўзбек томошабинлари билан кўришиш шарафига муяссар қилди.

Чиндан ҳам бу қадимий шаҳарда бошланган катта халқаро санъат байрамининг сермазмун шиори бизни ғоятда ҳаяжонлантиради. У ўзининг моҳияти билан ҳаммамизга учрашиш, суҳбатлашиш, тажрибаларни ўртоқлашиш имконини очиб берди.

Биз опа-сингил иштирок этган картина «Менга йўл очиб бер» деб аталади. У ўзбек томошабинларини н г қалбига етиб боролса, ўзимизнинг вазифамизни бажарганмиз, деб ҳисоблаймиз.

Биз сизнинг шаҳрингизга биринчи марта марҳамат этишимиз. Тошкент ўзининг кенг бағри, равон кўчалари, баҳаво майдонлари билан диққатимизни жалб этяпти. Айниқса, кишиларнинг ҳорижий меҳмонларга бўлган муносабати қалбимизни мафтун этди.

Ўйлаймизки. Тошкент фестивали зўр кўтаринки руҳ билан ўтади. Чунки Осиё. Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидан ташриф буюрган меҳмонларнинг фикр ва истаклари шундан далолат бермоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан расмий визит билан мамлакатимизда меҳмон бўлган Мексика Қўшма Штатларининг президенти Хосе Лопес Портильо 25 май куни Ленинграддан Ватанига жўнаб кетди. Президент билан бирга Совет Иттифоқи бўйлаб сафарда унга ҳамроҳлик қилган Мексика давлат арбоблари ҳам жўнаб кетишди.

Бугунги газеталарда ана шу визит якунлари ҳақида Совет—Мексика қўшма ахбороти эълон қилинган.

● «Известия» газетасида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Матчановнинг «Ўзбек қишлоғининг янги қиёфаси» сарлавҳали мақоласи босилган.

Шаҳрим — фахрим

Кўча кенгаймоқда

Сағбон кўчаси пойтахтимиздаги энг кўҳна ва серқатнов кўчаларидан бири дир. Шу кунларда «Гордорстройремонт» трестининг йўлсозлари ушбу кўчанинг 10-авторемонт заводидан А. Набиев паркигача бўлган қисмини капитал ремонт қилиш ва кенгайтириш ишларини олиб боришмоқда.

Бу ерда йўлсозлик ишларини трестнинг 3-ремонт-қурилиш бошқармасига қарашли Н. Чанжалис бошлиқ бригадаси коллективи амалга оширмоқда.

— Кўчани кенгайтириш ва капитал ремонт ишларини 10 июнга тугаллашга аҳд қилганмиз, — дейди участка бошлиғи Николай Иванович Шацких.

Ремонт ишлари ниҳоясига етказилгач Сағбон кўчасининг ана шу қисми 10—12 метрга кенгаяди. Кўча атрофларида янги суғориш тармоқлари, бардюрлар ўрнатилмоқда. Пиёдалар учун чиройли йўлкалар қурилади.

Сўнгги қўнғироқ севинчи

БУГУН

Шаҳримиз мактабларида сўнгги машғулотлар кун. Баъзилар учун у маъноли ёзги каникул бошланишини билдирса, бошқалар учун мактаб билан хайрлашадиган ҳаяжонли онлардир.

«Хайр, мактаб!»—Акмал Икромов районидаги 107-мактабнинг синф доскаларига ана шундай сўзлар ёзиб қўйилган. 10-синф ўқувчилари— бугунги ҳаяжонли байрамнинг «айбдорлари» тантанали линейкага йиғилдилар. Уларни меҳрибон ўқитувчилари, ота-оналари чин дилдан муборакбод этдилар.

— Яна бир ўқув йили ниҳоясига етди,—деди тантанали линейкани очар экан мактаб директори Ю. М. Саркисянц.— У Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги, СССР янги Конституциясининг қабул этилиши, Ленин комсомолининг XVIII съезди нишонланган ўқув йили эканлиги билан янада файзлидир. Ана шу йилда ўқув сифатини янада ахшилашга катта эътибор бердик, конференциялар, комсомол йиғилишларини юксак савияда ўтказдик, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашдик, олимпиадаларда қатнашдик. Бир сўз билан айтганда қизғин ҳаёт қучоғида бўлдик, ҳар бир воқеани муносиб ишларимиз билан нишонлашга ҳаракат қилдик. Мана энди қизғин воқеаларга тўлиқ бўлган ўқув йили тугаяпти. Мен ҳамма ўқувчиларни ўқув йили ниҳоясига етаётганлиги билан табриклаб, уларга имтиҳонларни топшириш да омад тилайман, мактабимизни битирувчиларга эса ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллаб олишларига тилак билдираман.

Бу ерга тўпланганларни ўқитувчилар, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари қизғин табриклади. Уларни биринчи синф ўқувчилари ҳам қизғин қутладилар. 9-синф ўқувчилари мактабларни битирувчиларга совғалар топшириб, гуллар тақдим этдилар.

Бу ерда шуни айтиш керакки, мактабни битираётган ўқувчилардан кўпчилиги ўзининг ҳаётдаги ўрнини аллақачоноқ белгилаб қўйган. 37 нафар ўсмир шаҳар ҳунар техника билим юртларига боради. Масалан, Шуҳрат Отахўжаев метросоз бўлишга, Игорь Абрамкин ва Эркин Жамилов 63-ўрта ҳунар техника билим юртига ўқишга киришга аҳд қилишган. Муборак Усмонова ва Эльмира Исмоилова пойафзалчи касбини эгаллашмоқчи. Мактабни битирувчилар Зоя Космодемьянская бюстига анвойи гуллар қўйдилар. Майдон узра сўнгги қўнғироқ оҳанглари янграйди...

Ҳа, бугун бу ёшлар мактаб билан хайрлашмоқдалар. Икки кун ўтгач эса биринчи битирув имтиҳонлари бошланади. Биргина шу мактабнинг ўзида 119 ёш, бутун шаҳар бўйича эса 15 мингдан зиёд ўқувчи ўнинчи синфни ва 26 мингдан ортиқ ўқувчи саккизинчи синфларни битиради.

• *Коммунист ўйлари*

БОШ ЙЎНАЛИШДА

Бирлашмамиз инженер-техник ходимлари, ишчи ва хизматчилари ўнинчи беш йиллик-нинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли адо этмоқдалар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисида мактуб» асосида келгусидаги ишларимизнинг жанговар программасини тузиб олган эдик. Ана шу программа асосида изчил иш олиб боряпмиз.

Самарадорлик ва сифат учун кураш, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш барча имкониятлардан фойдаланишни тақозо этади. Бизнинг цехимизда бунга қатъий амал қилинмоқда. Ишлаб чиқаришнинг янгидан-янги резервларини излаб топиш ва ишга солишга катта эътибор берилмоқда.

36-цехимизда иш вақтининг зое кетишини кескин қисқартиришга, унинг ҳар бир дақиқасини қадрлашга ва тўла-тўкис фойдаланишга эътибор кучайтирилмоқда. Меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилашга, ишчиларнинг малакасини оширишга соҳасида ҳам актив иш олиб борияпти. Цех партия ташкилоти юбилей йили мусобақасидаги меҳнат жўшқинлигини ва маромини сақлаш, мусобақанинг ошкоралигини кучайтириш йўлида кўпгина ишлар қилинмоқда.

Цехимизда мавжуд смена-кунлик планлаштириш системасини яхшилаш юзасидан ишчиларнинг таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу таклифлар смена топшириқларининг формаларини такомиллаштиришга ёрдам берди. Натижада топшириқларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш вақти икки марта қисқарди.

Ишчи И. Проценко маҳсулот сифатини баҳолаш системасини такомиллаштириш юзасидан таклиф киритди. Бу таклиф цех ишининг ўзига хос хусусиятини тўлароқ акс эттиради. Маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган бундай таклифлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақанинг янада жонланишига сабаб бўлмоқда. Маҳсулотларни тайёрлаш автоматик бошқарув системасини текширишни йўлга қўйиш юзасидан ҳам кўпгина таклифлар киритилди. Шуниси қувончлики, цехимиз коммунистлари ва ишчилар коллектини киритаётган бундай таклифлар бирлашмамизнинг бошқа цехларида ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда.

Ишчиларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини янада ошириш учун уларнинг ўз зиммаларига қабул қилган социалистик мажбуриятлари ва муқобил планларини бажаришларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қиляпмиз. Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан юқорироқ марраларга эришишга ёрдам беришда партия, комсомол ўқуви, иқтисодий таълим системасидан коммунистик меҳнат мактабларидан, кўргазмали агитациянинг ранг-баранг воситаларидан кенг фойдаланяпмиз. Қисқаси, коллективимиз ўнинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилини ҳам янги зафарлар билан нишонлаш учун бутун куч-ғайратини сафарбар этмоқда.

В. ТЕЙВОВЦЕВ,

В. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех партия ташкилоти секретари.

• *Беш йиллик вахтасида*

ЗАРБДОР МЕҲНАТ САМАРАСИ

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли полиграфия комбинати коллективи юбилей йилида зарбдорона меҳнат қилиб, пландан ташқари 190 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Матбаачилар ўз меҳнат фаолиятларида биринчи марта ана шундай юксак кўрсаткичга эришдилар. Коллективнинг фидокорона меҳнати муносиб тақдирланди. Комбинат коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди.

Айни кунларда корхона коллективи партия ва ҳукуматимизнинг Совет халқига Мактубига жавобан кун сайин социалистик мусобақани авж олдирмоқда. Бу албатта ўз самарасини кўрсатяпти. Масалан, матбаачилар тўрт ойлик топшириқни муддатидан анча илгари адо этишиб, пландан ташқари 15 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Коллектив беш йиллигининг учинчи зарбдор меҳнат йилида ўз зиммаларига янада катта мажбурият олиб тер тўкмоқда. Бу йил мактаб ўқувчилари учун 7 миллион дона китоб нашр этилади. Шунингдек, К. Маркс, Ф. Энгельс ҳамда Л. И. Брежневнинг асарлари ҳам чоп этилади.

«Ваъда вафоси билан чиройли»,— дейди халқимиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир иш жойида меҳнат беллашуви авж олмоқда. К. Юнусова, А. Ботирхонов, В. Паршин, М. Исломов, М. Содиқов, Қ. Алимов, М. Файзуллина, М. Солиҳова, Ғ. Фокин каби илғорлар меҳнатда намуна кўрсатмоқдалар. Бу ишчиларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ўз маҳоратларини ошириш, илғор иш усулларидан омилкорлик билан фойдаланиш ҳисобига 1979—1980 йиллар ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, корхона коллективи КПСС XXV съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, янги-янги меҳнат зафарларига эришиш борасида тинмай изланмоқда.

Н. АБДУРАҲМОНОВ,

«Тошкент оқшоми» жамоатчи мухбири.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ оқшоми

ҳамдам

• *Қурилиш етакчилари минбари*

КАТТА МАРРАНИ КЎЗЛАБ

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли трестимиз бинокорлари, монтажчилари ва жилокорлари ҳам йил бошидан беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдирган ҳолда ишлашмоқда. Ўндан зиёд бригада коллективлари москвалик ишлаб чиқариш илғорларининг СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллиги — 7 октябрга қадар уч йиллик планни бажариш иштиёқида меҳнат қилишяпти. Шуниси қувончлики, ташаббусга қўшилган бригадаларнинг коллективлари трестимизнинг муҳим объектларидан ҳисобланган Тошкент медицина институтининг янги корпуслари ва шаҳардаги бир қатор зарбдор объектлар қурилишида бинокорлик ишларини авж олдиришмоқда.

7-қурилиш бошқармасининг А. Турченко бошлиқ комплекс бригадаси азаматлари Тошкент медицина институтлари корпуслари қурилиши бошланган дастлабки кунлардан буён объектда ишлашмоқда. Пешқадам бинокор бошлиқ бригада шаҳарчадаги кўп биноларнинг қурилишида ўрнак кўрсатган. Айни кунларда улар бош корпус қурилишида бунёдкорлик ишларини қизғин авж олдиришган.


ТошМИ қурилишида шу бошқарманинг Михаил Лебедев ва Эркин Мирзоидбоев раҳбарлигидаги бригадалар ҳам янгидан меҳнат қилишяпти. Бу коллективларнинг аъзолари ҳам беш йиллик планини 7 октябрга қадар бажаришга аҳд қилишган.

Трестда свердловскликларнинг «Бригадасининг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади» ватанпарварлик ташаббуси ҳам кенг қулоч ёйган. Кўплаб бригадаларимиз коллектив мураббийчилик ҳаракатига қўшилиб, меҳнатда қувончли ютуқларни қўлга киритишяпти. 70-қурилиш бошқармасида В. Енин бошлиқ бригада олти нафар қурувчини бошқа коллективга ўтказди. Лекин беш йиллик бошида қабул қилган социалистик мажбуриятдан боз кечишмади. Улар беш йиллик охирига қадар қарийб 1,5 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажаришга, меҳнат унумдорлигини ўн процентга ўстиришга аҳд қилишган. Шу кунларда бригада юксак мажбуриятга яраша ишлаб, кунлик топшириқларини ошириб адо этяпти.

33-қурилиш бошқармасининг Н. Курач, 32-қурилиш бошқармасининг А. Погреботко, 70-қурилиш бошқармасининг С. Варахтин раҳбарлигидаги коллективларнинг аъзолари ҳам свердловскликларнинг ташаббуси асосида меҳнат қилишиб, беш йилликнинг учинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга катта ҳисса қўшишмоқда.

А. ОРТИҚОВ,

«Главташкентстрой» 6-қурилиш трести бирлашган касаба союз комитетининг раиси.



Ғани Одилов республика радио эшиттириш ва овоз ёзиш уйининг марказий аппаратураси инженери. У узоқ йиллар давомида шу ерда самарали меҳнат қилиб келади. Шу вақт мобайнида Ғани ака кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ёшлар ҳамиша ўз устозларидан мамнундирлар.

СУРАТДА: Ғани Одилов иш устида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

• ЯХШИ АНЪАНАЛАРИМИЗ

МАРОҚЛИ ЎТДИ

Акмал Икромов районидаги 106-мактабда қизиқарли кечалар, тантанали мушоира оқшомлари, учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади. Яқинда мактабнинг ветеран ўқитувчилари бўлмиш Х. Жўнайдуллаев, Р. Орипова, К. Юсупова, М. Юнусова, П. Клейнер, И. Юнусовларни пенсияга кузатиш муносабати билан бу ерда кеча ўтказилди.

А. Икромов район халқ маорифи бўлими мудири А. Йўлчиев ўқитувчиларни олтин тўйлари билан муборакбод этди.

Тантанали кечага ташриф буюрган меҳмонлар ҳам сўзга чиқишиб юбилярларни қутлуғ ёшлари билан самимий табриклаб, гулдасталар ва эсдалик совғалари топширдилар. Мактаб директори Йўлдош Эргашев мактаб педагогика коллективи номидан уларни қутлади. Мактаб ўқувчилари севимли устозларига атаб шеър ва қўшиқлар айтиб юбилей кечасига завқ ва жўшқинлик бахш этдилар.

Д. ИКРОМОВА.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

112 ХОНАДОН ҚУВОНЧИ

Новомосковский ва Пушкин кўчалари муюлишида «Узгипротяжпром» лойиҳалаш институти ишчи ва хизматчилари учун тўққиз қаватли турар жой бинои қад кўтарди. Бино эксперимент асосида қурилган бўлиб, бошқа тўққиз қаватли уйлардан ташқи ва ички кўринишининг афзаллиги билан фарқ қилади. Бинонинг биринчи қаватида маданий-маиший хизмат кўрсатиш пунктлари аҳоли ҳожатини чиқаради. Бундан ташқари бу ерда 72 ўринли боғча, кафе, ателье уйи ана шу уйда яшовчилар хизматида бўлади.

— Янги уйга кўчиб кирган ишчи ва хизматчиларимизнинг қувончлари чексиз. Чунки бу ерда яшовчилар учун барча қулайликлар мавжуд, — дейди институт касаба союз ташкилотининг раиси Собир Искандаров.

Бинони 159-трестнинг 10-қурилиш бошқармаси азаматлари бунёд этишиб, 1-уйсозлик комбинатининг 27-қурилиш бошқармаси сайқалчилари ва 63-ўрта ҳунар-техника билим юрти ёш дурадгорлари, бўёқчилари сифатли қўлдан чиқаришди. Куни кеча ана шу бинода 112 оила уй тўйларини қувонч билан ўтказишди.

С. СУЛТОНОВ, ўқитувчи.

• ТЕЖАМКОРЛИК — ЯХШИ ХИСЛАТ

МЕТАЛЛ ЎРНИГА ПОЛИМЕР

Тошкент тепловоз депосида тежамкорлик ҳақида сўз юритилса, депо ишчилари ва раҳбарлари кўз олдига биринчи навбатда Виктор Николаевич Газаев бошчилик қилаётган механика цехи коллективи келади. Бу цехда тепловознинг кўп қисмлари металл ўрнига полимердан ишланяпти.

Масалан, втулкалар полимердан ишлаётганлиги ҳар ойда икки ярим тонна металлни, тепловозга ишлатиладиган ҳар хил пробкалар полимердан тайёрланаётганлиги эса, 800 килограмм металлни тежаш имконини беряпти.

Механика цехи ишчилари бу йил 55 рационализаторлик таклифи киритиб, жами 16 минг сўмлик материални иқтисод қилиб қолиш ниятидалар. Депо бўйича йил давомида 36,6 тонна металл тежаб қолинади.

М. ҲАКИМОВ,

Тошкент тепловоз депоси слесари.

... ТАКЛИФ ЭТАДИ ...

ТЕЛЕФОН АВТОМАТ ЎРНАТИЛСА

Акмал Икромов районидаги Бешқайрағоч массиви йилдан-йилга обод бўлиб бу ерда яшаётган аҳоли учун бир қанча қулайликлар яратилмоқда. Бундан уч, тўрт йил муқаддам массивда телефон ва ҳатто хат ташлайдиган почта яшиклари ҳам бўлмаганидан аҳоли шаҳар марказига тушишга мажбур бўларди. Ҳозир Киров, «Октябрь самараси». Собир Раҳимов, Бешқайрағоч, Акмал Икромов номли маҳалла марказларида почта яшиклари билан бирга газета ва журналлар билан савдо қиладиган «Союзпечать» киоскалари ҳам мавжуд. Массивдаги 26 жойга ўрнатилган почта яшикларидан ҳар куни уч марта хатлар олиб кетилади. Массивдаги бир неча хонадонлар телефонлаштирилган.

Бизнинг шаҳар телефон тармоқлари бошқармасига бир таклифимиз бор. У ҳам бўлса массивдаги марказий жойларга телефон автоматлар ўрнатиш. Шунда аҳолининг кўпчилиги телефон қилиш учун узоққа югуриб сарсон бўлишмасди.

Л. ҲАМИДОВ, пенсионер.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

КИОСКА НЕГА ЁПИҚ?

Икки йилдирки, Собир Раҳимов районидаги «Октябрь 40 йиллиги» номли маҳалладаги «Союзпечать» киоскаси ишламаяпти. Ҳар куни газета ва журналларни олиб, ўқиб турганлар бошқа киоскаларга қатнаб хуноб бўлмоқда. Фақат маҳалла аҳлигина эмас, бу ердаги чинни хўжалик буюмлари заводлари, никита мактаб ва никита болалар боғчаси ишчи ва хизматчилари ҳам киосканинг нега ёпиқлигини билмай ажабланяптилар.

Балки Собир Раҳимов район «Союзпечать» агентлиги раҳбарлари бу ҳақда ўйлаб кўрар?!

Ф. НУРИДДИНОВ, газетхон.

• Шаҳрим—фахрим

Кўз қувонади

В. И. Ленин номли республика хотин-қизлар педагогика билим юртининг Чилонзордаги янги ўқув комплекси атрофи шу кунларда чиройли қиёфа касб этган. Бу ерда студентлар кучи билан вужудга келтирилган ҳушманзара гулзорлар, ҳордиқ чиқариш зоналари билим юрти ўқув ва ётоқхоналари атрофларини янада гўзаллаштириб юборди. Эрта баҳорда 4,5 гектарлик нотекис жойлар қурилиш қолдиқларидан тозаланиб текисланди ва мевали, манзарали дарахтлар ўтқазилди, спорт майдончалари бунёд этилди.

Йигирма етти йилдан буён шу илм даргоҳида биология фанидан дарс бериб келаётган ўқитувчи Қаҳҳор Абдураҳмонов ана шу хайрли ишларга раҳбарлик қилмоқда. Кўкламда ўн минг тупга яқин мевали ва манзарали кўчатлар, минг туплан кўпроқ гул кўчатлари ўтқазилди.

Билим юрти коллективи метронинг «Чилонзор» станцияси ва Фарҳод кўчаси атрофларида ҳам катта иш олиб бордилар. Бу жойлардаги кўчатларнинг таналари оқланиб, 7 минг метр жойдаги металл панжаралар бўялди.

Ҳозир бу ердаги боғ ва гулзорлар зоналарга бўлиниб, ўқувчиларга бириктириб қўйилган. Улар кўчатлар ва гулларни ёз бўйи суғориш ва парваришлашни ўз вақтида олиб борадилар.

Т. НАЖМИЙ,

жамоатчи мухбир.



Мана бу суратда устоз ва шогирд Василий Иванович Михеев ва Константин Караяновларни кўриб турибсиз. Улар шаҳримиздаги «Ташхимсельмаш» заводида ишлашади. Бу ҳар иккала меҳнат зарбдори доимо аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга, планларини ҳам ортиғи билан адо этишади.

Р. Абдуллаев фотоси.

• ЛУҚМА

ШУ ҲАМ ТОМОШАХОНАМИ?

Округ офицерлар уйи боғидаги ёзги театр бир вақтлар жуда ажойиб томошахона эди. Ҳозир бу ерга томоша кўргани келганлар пушаймон бўлмасдан иложи йўқ. Негаки, бўёғи кўчиб кетган ўриндиқлар, зал қаровсиз аҳволда.

Ёзги театр мавсумга мослаб тайёрланмаганлигидан жуда файзсиз ва кўримсиз. Қоғоз, пista ва папирос қолдиқлари ўз ҳолича ётибди. Бу ерни тозалаб қўйиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Бунинг устига боғда на сув, на мороженое савдоси уюштирилган.

Оммавий томошалар, концертлар намойиш этиладиган ёзги театрнинг бундай қаровсизлиги боғ маъмуриятини ташвишлантирмайдими? Наҳотки, унга зарур эътибор бериш шунчалик қийин бўлса.

О. САИДАМИНОВ,

ўқитувчи.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

РАВОН ЙЎЛЛАР

Илгари Хидирали Эргашев номли кўчанинг қаровсиз ётганлиги, қишда ботқоқ, ёзда чанг бўлиши ҳақида газета саҳифаларида танқидий мақола берилган эди. Ана шу танқиддан сўнг Киров район ободонлаштириш бошқармаси бу кўчага жиддий эътибор бериб, уни ободонлаштиришга киришиб кетди.

Шу кунларда 3-ремонт йўл қурилиш бошқармаси азаматлари Тимирлзев билан Энгельс кўчаси оралиғидаги Х. Эргашев зўчасига асфальт ётқизишдилар. Кўчанинг четига йўлакалар қилинди. Суғориш тармоқларига бетон ариқлар ўрнатилди. Кўчада машина ҳаракати икки томонлама бўлиб кўча ўртаси гулзор, дарахтзорга айлантирилди. Энди пиёда ва транспортлар учун бу кўчада қулайлик яратилди.

С. САЪДУЛЛАЕВ.

ҒАМХЎРЛИК

Бешқайрағоч массивида Саъдулла ота Маҳмудов коттежи-уй олганида аввалги маҳалласида яшайдиганларнинг баъзилари ҳайрон бўлишди:

— Қаранг, пенсионерга беш хонали коттеж беришипти, — дейишди улар. Отанинг ҳаёти, бошидан кечирган кунларидан хабардор бўлганлар уларга жавоб беришди:

— Арзийди. У Ватан озодлиги деб ўзини жангга урган. Мудҳиш уруш унинг оёғига ўқ бўлиб отилган, биринчи даражали инвалид қилиб қўйган. Давлатнинг ғамхўрлиги, ёрдами туфайли у руҳан эзилмади, тўкин турмуш кечиряпти.

Ҳақиқатан ҳам Саъдулла ота урушдан оғир жароҳат билан қайтди. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли унинг оғири енгил бўлди. Унга 90 сўм пенсия тайинланди. Яқинда эса коттеж билан тақминланди.

Биргина Саъдулла отанинг ҳаёти мисолида ҳукуматимизнинг Улуғ Ватан уруши йилларида босқинчиларга қарши курашда қатнашган минглаб кишиларга беқиёс ғамхўрлик кўрсатаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

А. ИНОҚОВ.

▲ ИШЧИ — УЛУҒ НОМ

МАТБААЧИЛАР САРДОРИ

Сапфулла ака Юсуповни 3-босмахонанинг каттаданкичиги ҳурмат қилади. Чунки ўз ишининг устаси бўлган бу кампирин инсон умрининг ярмидан кўпини полиграфия соҳасига бағишлади. Қанчаданқанча шогирдлар тарбиялаб етиштирди.

— Бундан 25— 30 йил илгари республикамизда полиграфия саноати анча орқада эди. Кадрлар етишмас, кўп ишлар қўл кучи билан бажарилади,— дея ҳикоя қилади Сайфулла ака. — Ҳозир-чи, бутунлай акси. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган цехларда меҳнат қилаётган сергайрат, билимдон ёшларни кўриб ҳавасингиз келади. Бу машиналар бир соатнинг ўзида қанчадан-қанча газета, китоб, брошюралар босиб чиқармоқда.

Ҳа, кекса матбаачининг гапида жон бор. Ҳозирги кунда полиграфия саноати гуриллаб ривожланмоқда. Буни биргина Сайфулла ака меҳнат қилаётган 3-босмахона мисолида ҳам кўриш мумкин. Замонавий полиграфия машиналарига эга бўлган корхона коллективи юбилей йилида юксак кўрсаткичларга эришди. 6 миллион 600 минг ўринга 8 миллион 420 минг нусха босма листи маҳсулот чоп этилди. Маҳсулот реализация қилиш плани 348 минг ўринга 357 минг сўмлик миқдорида бажарилди. Тежамкорлик режимига қатъий амал қилиш натижасида 3500 сўмлик материал ва қоғоз тежаб қолинди.

Моҳир матбаачи С. Юсуповнинг коллектив эришган бу ютуқларда муносиб ҳиссаси бор. Чунки у 46 йилдан бери коллектив учун қайғуради, меҳнат қилади.

Ўз касбининг устаси С. Юсупов, Раҳмат Нодирматов, Замира Убайдуллаева, Ҳанифа Султонова каби ўнлаб моҳир ишчиларни тарбиялаб вояга етказди. Ҳозирда бу шогирдлар устозларидан бориб ,маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида мардона тер тўкяптилар.

— Сайфулла ака коллективимиз фахри, сардори, — дейди Тошкент шаҳар Советининг депутати, линотипчи Лариса Двуреченская. — У ҳамкасбларига ширинсуҳан, ёш кадрларга касбининг нозик сирларини меҳр билан ўргатади.

Юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, асосий ишлаб чиқариш фондларидан тўла фойдаланиш, ўзаро социалистик мусобақани бора авж олдириш коллективнинг бирдан бир эзгу ниятига айланди. Жумладан, улар 1978 йил планини 27 декабргача адо этиб, пландан ташқари 200 минг нусха босма лист маҳсулот беришга аҳд қилдилар. СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллиги шарафига 40 нафар илғор ишчи беш йилликнинг уч йили топшириғини бажаришга бел боғлади. Булар орасида илғор ишчи Сайфулла Юсупов ҳам бор.

Матбаачилар камтарин устоз Сайфулла ака Юсупов бошчилигида бенуқсон маҳсулот ишлаб чиқариб, уни биринчи тақдимда топширишга ўтдилар. Ҳарф териш жараёни эса гранкасиз усул билан бажарилади.

Партия ва ҳукуматимиз меҳнатсевар матбаачининг катта хизматларини муносиб тақдирлади. Ҳозирда унинг кўксини бир қанча медаллар безаб турибди.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,

кўп нусхали «Мотор» газетасининг редактори.



Яқинда штатсиз фотомухбиримиз И. Шоиногомов Тошкентдаги тажриба-пилланашлик фабрикасида бўлиб корхона коллективи меҳнатини акс эттирувчи бир нечта фото суратлар олиб қайтди. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳада илғор пилла пиширувчи ва ўровчи Малика Исоқова ва Ҳолида Аъзамовалар тасвирланган. Улар ўзаро социалистик мусобақани кучайтирган ҳолда доимо шахсий план-топшириқларини ортиғи билан адо этиб келишяпти.

• ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ВЕТЕРАН САФДА ҚОЛДИ

Абдувоит ака ёшлигидан темирйўлчиликка ҳавас қўйди. Ана шу орзуси уни Тошкент темир йўлининг Туркистон депосига етаклаб келганди. У бу ерда аввалига слесарь бўлиб ишлади. Сўнгра 1942 йили Тошкент темир йўли қошидаги малака ошириш курсида ўқий бошлади. Лекин ўқиш узоққа бормади. У Совет Армияси сафига — она-Ватанни ҳимоя қилишга отланди...

Абдувоит Отахонов урушдан қайтгач тепловоз машинисти касбига ўқиб, дипломли бўлди. Мана 28 йилдирки, шу касбда ишламоқда.

Машинист мамлакатимиздаги пўлат изидан борган барча шаҳарларда бўлган. У ҳозирда Тошкент атрофидаги саноат корхоналарига ўз вақтида хом ашё етказиб бермоқда. Моҳир машинист беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажариш ва бир тонна ёқилғини иқтисод қилиш мажбуриятини олган.

Абдувоит ака яқинда 55 ёшга тўлди. Ветеран темирйўлчини дўстлари, депо раҳбарлари қутлуғ ёш билан табриклашиб, унга пенсия дафтарчасини топширди. Аммо, Абдувоит ака касби билан хайрлашгани йўқ. У ишлашни давом эттиришга аҳд қилди. Унинг портрети Тошкент депосининг шоншуҳрат музейидан муносиб ўрин олган. Кекса машинист 30 шогирд тарбиялаган. У бу хайрли ишини ҳозир ҳам давом эттириб, М. Мақсудов, Х. Турсунов, А. Қодиров каби ёшларга касб сирларини ўргатмоқда.

Ҳа, ҳалол меҳнат обрў келтиради, деганлари рост. Қатор-қатор медаллар кавалери Абдувоит Отахонов яқинда Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг «Фахрий ёрлиғи» ва номи ёзилган соат билан тақдирланди.

И. РУСТАМОВ,

«Тошкент оқшоми» жамоатчи мухбири.

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН



ДОНИШМАНД БОБОЛАРНИ УЛУҒЛАБ

ОДАТДА фестивалдан бошқа пайтларда кино ҳужжатчиларга унчалик эътибор беришмайди. Шунинг учун ҳам мен кинофестиваль ўтаётган шу кунларда пайтдан фойдаланиб, фестиваль эгаларининг «Бобо» фильми ҳақида гапирмоқчиман.

Ушбу картина Ўзбекистон ҳужжатли фильмлар студиясида Святослав Благов сценарийси асосида режиссёр-оператор Даврон Салимов томонидан яратилди. Бу икки ижодкор ҳамкорликда яратган кўп кинофильмлар аллақачонок томошабинларнинг олқишига сазовор бўлган. Тўла метражли «Сув ҳам келди» ҳужжатли фильмини эслашнинг ўзи бунинг учун кифоя.

Бу икки санъаткорни бирлаштирган нарса нима? Биз бу саволга жавоб ахтариб, уларнинг бир-бирига яқин услубий ўхшашликлари, бу борадаги ютуқ ва муваффақиятларига эътибор берамиз. Ҳаётга муносабатдаги ўхшашлик, бир-бирини ўзаро тушуниш бу икки кинематографичини ижодий ҳамкорлик қилишига асосий омил бўлди.

Даврон Салимов ҳам, Святослав Благов ҳам экранга ҳаётни шунчаки кўчириб қўя қолишмайди, улар ҳаётдаги қаҳрамонни ҳужжатли экранга бадиийлаштириб кўчиришда жўрьат ва ташаббус кўрсатмоқдалар. Даврон Салимов камераси ҳаётдаги лирик ҳолатларни муҳрлаш билан бирга айни пайтда ана шу лирик вазиятга баҳо ҳам беради, унинг маъносини кучайтиради. Бизнинг ҳиссиётларимиз, кайфиятларимиз Благов сценарийсида жуда усталик билан нозик илғаб олинганлиги ва у кадрларда кучайтириб берилганлиги билан диққатга сазовордир. Ҳужжатли кадрларда шахсни бадиий жиҳатдан тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу ҳолат томошабинга чуқур таъсир этади.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳужжатли кинода бари-бир кинематографнинг поэтик ҳолат яратиши осон иш эмас. Аммо бу борада ўзбек кино ҳужжатчилари эришаётган ютуқлар таҳсинга сазовордир. Благов ва Салимов ҳамкорликда яратган кадрларни кўрган киши бунга ишонч ҳосил қилади. Улар ана шу кам имкониятдан ҳам пухталик билан фойдаланишади. Улар ҳужжатли кино ҳажмидан чиқиб кетмаган ҳолда томошабин билан суҳбат қургандай бўладилар ва бунда бадиий кинога хос поэзия яратадилар.

«Бобо»— бу мангулик ва туғилиш каби ўлмас мавзу ҳақида ҳикоя қилади. Фильм томошабинда ўзбек отахонига қайноқ симпатия уйғотади. Шу орқали ҳаётга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат акс эттирилади. Биз муаллифларнинг ўз қаҳрамонига муносабатини аниқ ҳис этиб турамиз. Саҳна орқасидаги нутққа мос ҳолда берилаётган экрандаги тасвирлар уни бойитади ва мазмунини янада чуқурлаштиради.

Ким у, Бобо? Болалар: «Бобо» деб айтишади. Бобо— у менинг бобомнинг оппоқ соқолидир. Бобо, — дейди шоир, — у кузнинг қип-қизил дарахти. Бобо— деҳқон, у Кекса киши шаҳар оралаб боряпти. Мана унинг кўчаси, дарахтлари. Кекса кишини одамлар орасидан ҳамма ҳам танийвермайди. Аммо бу муҳим эмас. Унинг ўткир нигоҳи, ёғочдан ишланган чиройли нақшлар композициясида намоён бўлади. Қодиржон Аҳмедов ўз ҳаёллари, яратаётган гўзал нақшлари орқали қалбимизга ўзгача кайфият бахш этади. У ўзбек амалий санъат усталарининг минг йиллардан буён яшаб келаётган нақш усулларини авлодлардан авлодларга етказувчи, сахий қалбли инсон.

Қарияни хирмонда ҳам кўрамиз. Унинг овози бутун дала бўйлаб янграйди. У ҳашарда оддий деҳқон, маҳалла чойхонасида эса нуроний отахон.

Бутун фильм бўйлаб ўзбек қарияси — боболар файзли яшаяптилар, ҳаётга файз қўшяптилар, деган оддий фикр қизил ип бўлиб ўтади. Бобо Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ўғли қабрига ҳам борди. Унинг қиёфасида бир соҳия қайғу ва ғам хирмон йиғяпти. Бобо,— дейди қора кўзли соҳибжамол қиз,— бу шундай инсонки, ҳеч бир тўй унингсиз ўтмайди.

Эҳтимол, кимдир Бобо, бу энг кекса киши, деб айтар. Бобо. Бу ҳақда кексаларнинг ўзлари эса «яшайверсанг билсан», деб айтишади доимо.

Кексалар ҳаётга меҳр-муҳаббат ҳисси билан сугорилган. Мардлик ва матонатга йўғрилгандир.

Фильм сўнггидаги: Тоғ жилғасига ўхшар бизнинг ёшлик, Тоғ майсасига ўхшар ҳаётимиз давоми Ҳеч қачон ўлмайди бу дунёнинг

Шарафи бўлган нарсалар,— каби байтлар унинг гоясини мантиқан хулосалайди. Бу мисралар фильмда илгари сурилган фикрларга ҳамоҳанг янграйди.

Вадим КИМ,
киношунос.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

УЙҒУН,
Ўзбекистон халқ шоири.

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленининг «Санъат халқникидир» деган сўзлари биз ёзувчилар, санъаткорлар учун алоҳида қудрат ва аҳамияти билан қадрлидир. Жонажон диёримизда бошланган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг Халқаро Тошкент кинофестивали ҳам шу маънода киноходимлари билан бирга ёзувчилар учун ҳам маҳорат ва бирдамлик намойишига айланди. Навбатдаги уч қитъа кинематограф ч и л а р и нинг учрашувлари ҳам дўстлик ва биродарлик руҳида ўтишига уч қитъа мамлакатлари халқларини ва уларнинг адабиётларини бир-бирига яқинлаштиришга, ўзаро маданий алоқалар ўрнатилишига хизмат қилади, деб ишонаман.

* * *

Галия ИЗМАЙЛОВА,
СССР халқ артисткаси.

Фильм орқали авлодларимизнинг орзу-умидлари, замонамизнинг ҳаёти ва меҳнати ҳақида тушунча олиш мумкин. Шу сабабдан мен ҳам Тошкент фестивали экранида намойиш этиладиган фильмларни бажонудил кўраман, ҳаётий кадрлардан завқ оламан. Олдинги тўрт фестиваль бу хусусда менинг эстетик талабларимни қониқтирди. Мен катта кинематографик мамлакатлар—Япония, Ҳиндистон, Туркия фильмлари билан бир қаторда ёш Африка мамлакатларининг илк асарларини зўр қизиқиш билан томоша қилдим. Бу кинолентелар Тошкент фестивалининг шиорига жавоб бериши, эстетик шаклининг турли-туманлиги билан ўзига мафтун этган эди.

Республикамизга яхши ният билан келаётган азиз дўстларга энг самий тилакларимни йўллайман.

* * *

ШАМИМ АРА,
актриса, [Покистон].

Тошкент мен учун қадрдон шаҳар. Мен бу тинчлик ва дўстлик шаҳрида иккинчи бор бўлишим. Халқаро кинофестивалнинг дастлабкисида ўзимнинг «Сайқал» фильмим билан қатнашган эдим. Ушанда бу фильмим кинофестиваль дипломига сазовор бўлган эди. Мен Тошкентдан қайтгач, бу дипломни ўзимга берилган қарз деб билдим ва навбатдаги Тошкент кинофестивалига тинмай тайёрландим. Тайёрланиш жараёнида Тошкентдан олган таассуротларим дастуруламал бўлди.



В. И. Ленин номли республика пионер ва ўқувчилар саройи «Бойчечак» хор студияси бир неча йиллардан бери ишлаб турибди. Болалар хори «Зангори экран» орқали тез-тез тенгдошлари олдида ҳисобот концертларини бериб туради. СУРАТДА: «Бойчечак» студиясининг кичик хори раҳбари Гулнора Шарипова ўқувчилар билан навбатдаги машғулотда.

Х. Шодиев фотоси.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ИРИСБОЕВ: Тошкент трактор заводига қачон асос солинган? Корхона ўз маҳсулотларини қайси чет эл мамлакатларига юборади?

Жавоб: 1942 йилнинг июль ойида «Шарқ тонги» тўқимачилик галантерея фабрикаси биноларига Москвадан эвакуация қилинган завод ўрнашди. Тез вақт мобайнида бу ерда тўрт хил снаряд, ўндирувчи бомба, мина ишлаб чиқарила бошланди.

1945 йилда эса корхона вазифасини ўзгартириб, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган машиналар ишлаб чиқаришга киришди. 1950 йилда эса, заводга «Ташхлопкомаш» номи берилди. Бу ерда пахта тозалаш саноати учун пахта ҳосилини дастлабки қайта ишловдан чиқарадиган машиналар тайёрлана бошланди.

1957 йилда корхона номи ва вазифасини яна ўзгартирди. Унга «Ташавтомаш» номи берилиб, пахтани қоп-қанорсиз ташиш имконини берадиган прицеп ишлаб чиқара бошлади.

1970 йилдан бу ерда бош трактор йиғув конвейери ишга туширилиб, б и р и н ч и «Т28Х4» маркали трактор тушириб олинди.

Ҳозир Тошкент трактор заводи пахтачиликда ишлатиладиган тракторлар ва прицеплар ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхонадир. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида заводда 100 мингтадан ортиқ трактор ва 190 мингтадан ортиқ прицеп тайёрланди. Мана тўрт йилдирки, коллектив «2ПТС—4 — 793» маркали прицепни Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқаряпти.

Тошкент трактор-созлари ўз маҳсулотларини фақат Иттифоқимизнинг пахтакор республикаларигагина эмас, балки Югославия, Болгария, Куба, Эрон, Жазоир, Вьетнам Социалистик Республикаси каби мамлакатларга ҳам жўнатиб турибди.

* * *

Т. АБДУРАШИДОВ: «Скафандр» сўзи қандай тилдан олинган?

Жавоб: Космонавтларимизнинг парвозлари «скафандр» сўзини жуда оммалаштириб юборди. Ҳозир бу катта баландликда учадиган космонавтлар ва учувчилар киядиган алоҳида кийим эканлигини ҳамма яхши билади. Илгари фақат сув остига тушадиган кишилар қядиган кийим шундай ном билан аталарди. Сўзнинг биринчи бўғини— «скаф» қадимий грек тилида кема, қайиқ, сол маъносини англатган. Сўзнинг иккинчи қисми— «андр» ҳам грекча бўлиб, одам, эркак киши деган маънони англатади. Шундай қилиб, скафандр сўзининг асл маъноси одам-кема демакдир.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА
ГАИ АХБОРОТИ

«Мен, Николай Лоскутов велосипедда машқ қилишга чиқдим. Тошкент ҳалқа йўли бўйлаб кетаётганимда Давлат автомобиль инспекцияси пости олдидаги бекатга тикилиб қолдим. Орқага қарағанимда эса...». У аҳамиятсизлиги туфайли Л. Мевлютов бошқариб келаётган 23-24 ТШП рақамли «КРАЗ» автомобилини сезмай қолди ва ўз вақтида тормозни босолмади. Шунинг учун ҳам унга бориб урилди.

170-мактабнинг 7-синф ўқувчиси бўлган Н. Лоскутов мия қалқиш жароҳати билан касалхонага келтирилди.





ФЕСТИВАЛЬ ЛЕНТАЛАРИДАН. «Дўст бўламиз» (Нигер) ва «Камал» (Тожикфильм) фильмларидан кадр.

ИЗТОПАРЛАР

Тўрақўрғон шаҳридаги Ибрат номли ўрта мактабнинг изтопарлар отряди босмачиларга қарши курашда қатнашган ўз ҳамшаҳарлари Д. Розиқовнинг қаҳрамонона ҳаёти ҳақида янги факт ва ҳужжатлар тўпладилар. Боят сер-ғайрат— ўлкашунос Я. Ғаффоров раҳбарлигида болалар беш йилнинг ўзида қарийб 50 та революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати жойларига юриш қилдилар.

[УзТАГ].

СИЁСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ ЧОП ЭТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг раиси М. С. Соломенцевнинг китоби «Россия Федерацияси» деб аталади. Бу китобда РСФСРнинг Совет ҳокимияти йилларида эришган жуда катта муваффақиятлари кўрсатиб берилган. Теңг ҳуқуқли 15 иттифоқдош республиканинг энг йириги— РСФСРнинг социал, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги чуқур ўзгаришлар баён қилинган.

Китоб социализмнинг буюк ғалабалари — СССРдаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлиги ҳамда бирлиги тўғрисида, халқ ҳокимияти ленинча принципларининг чинакам тантанаси хусусида, СССРнинг янги Конституциясида ўз ифодасини топган социалистик демократиянинг ривожланганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Бу китобни сиёсий адабиёт нашриёти чоп этди.

(ТАСС).

Рауф ПАРФИ

БАЙРОННИНГ СЎНГГИ САФАРИ



Денгиз теранлиги —сеннинг суратинг
Кўринур тимсолинг зимистон қайнар.
Ошиб бормоқдадир мавжлар суръатин,
Сен каби ҳисларим қайновин ўйнар.
Қайда жасоратим, қайда жўрьатим,
Қайда чексизликдек самовий куйлар...
Кўҳна қаср ичра яшар гул жамол,
Тубанда ҳайқирар долга-галаён.

Денгиз соҳилида туриб эҳтимол
У сенинг умрингга келтиргай, имон.
Ғамгин кўзларида анс этгай магар
Аччиқ муҳаббатинг, олис хотирот.
Қани эй долғалар, қани тўфонлар,
У наби ғазбга тўлингиз, ҳайҳот.
Конталиқда эртакларидан куйлар,
Шоир-эрк ўғлони, номус сарвари,

Гўёки хўрланган ҳамширанг чорлар.
Юзландинг қасос, деб сен Юнон сари.
Севган Ватанингга барчаси қолар,
Алданган умиду ғийбатлар бари...
Денгиз ҳайқиради, гирдоб бекарам,
Шоир, кўзларингга денгизлар тўлар;
«Тождор маҳлуқларга емнинг ўзи ҳам»,
Тишламоқ, таламоқ истайди улар»...
Жанг майдони керак жангчига охир.
Қутлуғ эркинлигинг жасур фарзанди.

Сўнгсиз алам билан телбариб ёндинг,
Она-Ватанингни тарк этдинг, шоир.
Тўлқин гоҳ тошқотар, сапчигай гоҳо,
Сен эса соҳилдан термуласан жим.
Сўнг тинар ҳаҳрли бу шовқин, аммо.
Шундай аниқ тинар менинг-да сасим.
Бирдам ҳасратларда бўлурман маълул,
Сўнг яна чорлагай бу ҳиддат, туғён.
Сени етаклагай денгиз сари ул
Ва мени бегона самовий куйлар.
Йўқ, бизни ажратмас чекни йўқ денгиз.

Жўшқин водийлари, тизма тоғлари.
Бироқ қисматимиз бир эмас, эсиз,
Менга эркалатар юртим боғлари.
Бироқ мумкин эмас курашмоқ сенсиз,
Баъзан кўксим узра дайр тирноқлари.
Наҳот, ёвуз бўрон хасдек учиргай?
Қайнар томиримда оташин қонлар,
Қаҳрим қуюнларнинг изин ўчиргай,
Пойимда ётурлар қора бўронлар.
Уфқ ўтда ёнар ва денгиз нотинч.
«Йўқ эса кўкларга сочиб ҳасратим,
Бош олиб кетмасдим Ватанимдан ҳеч,
Сенга қул бўлардим, эй муҳаббатим...»
Ужар хаёлларга бирдам тўларман,
Бирдам сўзларингни тинглайман сокин.
«Кураш нечун ахир?... Мен ёш ўларман,
Неча имкон бордир севдим-ку токим,
Тупроқдан эдим мен, тупроқ бўларман,
Дунёни тутажак менинг юрагим».

АЛЕКСАНДР УЛЬЯНОВ

Шамол, сочларимни тарама,
Оқарса оқарсин азобдан.
Қисмат, ҳайрон бўлиб қарама,
Ахир айирмадинг мени ғазабдан.
Кетмандаман энди. Тонг отар,
Алвмдо Русь, онам диёри,
Кетмандаман ахир, биродар,
Дунё қолур, дунё ғубори.
Олдинда бир бошанг баҳорлар...
Умумбашарнят баҳори,
Пичоқлар бўғзимга етганда,
Қалтираб тўнмасман ёшимни.
Ҳеч нарса йўқ менинг елкамда,
Мен сенга бахш этдим бошимни.

ИҚТИСОД

Иқтисод бу!
Ҳар ним ҳам билур албат.
Ахир, тежам бўлса
тинч бўлур бу жон.
Фақат, тежалмаса эди муҳаббат,
Ҳақиқат тежалмаса эди,
ҳеч қачон.

∴ ∴ ∴

Мана, чақмоқ чақди ногаҳон,
Зимистон тун чоки сўкилар,
Шундай яқин кўринар осмон,
Яшинлар ёғдуси тўкилар.
Ўт ичида ноёнсиз жаҳон,
Не нзларман оташлар ора?
Чақмоқ чақиб юпатар осмон:—
Бунда сену ва мен бечора.

ЙИҚИЛГАН БУЛУТ

Мовий осмон этакларида
Ухлаб ётар йиқилган булут.
Танҳолигда эртакларидан
Айрилмиш ул, бағрида сукут.
Бахтли эди кезиб фалакда,
Ахир тўйиб-тўйиб йиғларди.
Руҳи бўм-бўш, бўшлиқ юранда,
Оҳ, йиқилган булут ухларди...

ОДАТДАГИДАН ТАШҚАРИ ФЕСТИВАЛЬ

ВАРШАВА. Польшанинг Бельско-Бяла шаҳрида кўғирчоқ театрларининг саккизинчи халқаро фестивали ўтказилмоқда. Бу йил фестиваль «Болалар— театр — замонавийлик» шиори остида ўтмоқда. Ана шу одатдан ташқари, лекин, анъана бўлиб қолган фестивалда 18 мамлакатдан 26 театр қатнашмоқда.

Магнитогорскдаги «Буратино» кўғирчоқ театри Бельско-Бяла шаҳрида совет кўғирчоқ театрининг шуҳратини ҳимоя қилмоқда. Фестиваль меҳмонлари Польшадаги бошқа шаҳарларнинг сахналарида ҳам ўз санъатларини намойиш қиладилар.



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Прага кўчаларида анъанавий кора кийимдаги кишиларни тез-тез учратиш мумкин. Уткинчилар уларни кўриб жилмайишади. Бунинг сабаби бор. Чунки азалдан мўри тозаловчи билан учрашув бахт келтиради, деб ҳисобланади.

СУРАТДА: «бахтли» касб эгаси Олдржих Мартинек.

ТАСС фотохроникаси.

ҚАРДОШЛАРЧА ҲАМКОРЛИК

ЛУАНДА. Ангола Халқ кириши ва бандитларча ҳужумни уюштираётган империалистик кучларнинг кирдикорларига қарши ёш республика олиб бораётган кураш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

А. Нето, шунингдек Совет Иттифоқи миллий озодлик ҳаракатларини ҳамиша қўллаб-қувватлаётганли г и н и ҳамда мустақил тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун, демократия ва социализм учун курашда етакчи роль ўйнаётганлигини уқтириб ўтди.

МПЛА—меҳнат партияси. АХР ҳукумати ва халқи деди Ангола давлатининг бошлиғи, ялпи тинчлик, қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик манфаатларини кўзлаб Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан манфаатдордир.

ЖАҲОН ЙИНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ТАЪСИРИ ОСТИДА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг «Стерлинг Паблишерз лимитед» нашриёти «Октябрь революциясининг Ҳиндистон адабиётига таъсири» деб аталган янги китобни босмадан чиқарди. Китобда таниқли ҳинд олимлари ва адабий танқидчиларнинг Ҳиндистондаги мустамлакачилик зулмидан халос бўлиш ва соцнал адолат учун курашган кўпгина Ҳиндистон ёзувчиларининг дунёқарашини шакллантиришда Октябрь революцияси жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатиб берувчи мақолалари бор.

Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқидаги элчиси И. К. Гужрал китобга ёзган сўзбошида бундай дейилади: Улуғ Октябрь ғоялари ҳинд ёзувчиларининг асарларига янги мазмун бағишлади.

СССР ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Қаҳрамоннинг ворислари

Теплоход биркитиб қўйилган Владивосток порти билан бу чегара заставаси орасида бир неча минг километр масофа ётади. Лекин Совет Иттифоқи Қаҳрамони Г. Кирдишчевнинг ворислари деб ҳақли равишда аташ мумкин бўлган бу кишиларнинг дўстлиги учун масофа ҳеч қандай гов бўлолмайди. Застава ҳам, кема ҳам ўтган уруш йилларида жасорат кўрсатган киши номи билан аталган.

Чегарачилар билан денгизчилар дўстона хат ёзишиб, алоқа боғлаб турадилар. Заставанинг шахсий составини кейинги ёзган хатида аълочи бўлишга номини олтинчи марта олганлигини ва мамлакат чегара қўшинларининг 60 йиллигини муваффақиятли ўқиш, давлат чегараларини қўриқлашда моҳирона хизмат қилиш билан яна нишонланиш ниятида эканлигини билдирди.

«Гаврил Кирдишчев» экипажи ҳам илғор экипаж ҳисобланади. Кема юз минг денгиз милясидан ортиқроқ масофани босиб ўтди. Болтиқ бўйи, Африка, Австралия, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг п о р т ларида бўлди.

Г. Кирдишчевни юртида — Шимолий Қозогистон областининг Приозерний қишлоғида, Қозоғистон ССР Петропавловск шаҳридаги чўян қуйиш заводида билишади. 1944 йилда Калинин фронтининг орқа томонини қўриқлаган 13-чегарачи полк составидаги жангчилар уни билишади.

Уруш ғалабамиз билан тугай деб қолган эди. Ҳавонинг авзойи бузуқ эди, майдалаб ёмғир ёғарди. Кичик лейтенант Кирдишчев застава раҳбари бўлган чегарачилар отряди қўшинларимизнинг орқа томонида пайдо бўлган фашистларнинг изидан борарди. Душман сон жиҳатидан кўп бўлишига қарамай чегарачилар жангга кирдилар. Ана шу жангда юздан ортиқ фашист қириб ташланди, қолганлари асир қилиб олинди. Аммо застава бошлиғи жароҳатланган эди, у госпиталда жон берди. Марҳумга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Застава ва Узоқ Шарқ денгиз пароходчилигининг теплоходи бултурдан буён унинг номи билан аталмоқда.

(ТАСС).

САВОДСИЗЛИКНИ ТУГАТИШ ЙЎЛИДА

МАПУТУ. Мозамбикда саводсизликни тугатиш юзасидан умуммиллий кампанияга тайёргарлик «Бутун мамлакат мактаб бўлиб қолиши лозим» деган шиор остида олиб борилмоқда. Бу кампания июль ойида бошланиб, бир йил давом этади. Ана шу кампания давомида меҳнаткашлардан 100 минг кишини саводли қилиш мўлжалланмоқда.

ФРЕЛИМО партияси мустамлакачилик н и н г ана шу оғир мероси билан курашни янада кучайтиришга қарор қилди. Бутун мамлакатда саводсизликка қарши қатъий ва бир мақсадни кўзлаган ҳаракат авж олдирилиши лозим, дейилади партия Марказий Комитетининг қарорида.

Давлат саноат корхоналарининг ишчиларини, деҳқонлар кооперативлари ва «коллектив қишлоқларнинг» аъзоларини, ҳарбий хизматчиларни саводли қилишга алоҳида эътибор берилади. Ўқув юртларида ўқитувчилар жадал тайёрланмоқда. Давлат ана шу кампания ташкилотчиларига катта моддий ва молиявий ёрдам бермоқда. Саводсизлик билан кураш юзасидан махсус фонд ташкил қилинди.


ВЕЛОСИПЕД — ҲАМРОҲИМИЗ

«Тошкент оқшоми» газетасида «Велосипед — ҳамроҳимиз» рубрикаси остида эълон қилинган материаллар жуда кўп газетхонларга маъқул бўлганлиги ҳақида хатлар келиб турибди.

Улар велосипедда сайр қилишади, бозорга, магазинга боришади. Айрим кишилар эрталаб велосипедда узоқ муддатли сайр қилишади. Жумладан, газетхон В. Синявский бизга қуйидагиларни ёзиб юборибди. «Ҳар куни эрталаб мен соат олти яримда тураман ва бир соат велосипед билан шуғулланаман. Бу муддат давомида ўзим истиқомат қилаётган Чилонзордаги кварталларни айланиб чиқаман. Яъни 20 километрга яқин масофани велосипедда босиб ўтаман. Шунда менга тез-тез велосипед миниб юрган кишилар учраб туришади.

Уларни кўриб велосипед спорти шаҳримизда оммалашиб бораётганлигини ҳис қиламан».

«Велосипед — ҳамроҳимиз» рубрикаси остида эълон қилинган материаллар газетхонларга маъқул бўлганлиги бизни мамнун этди. Газетхонлар редакциямизга бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборишди. Биз улардан айримларини бугун эълон қилмоқдамиз. Ҳурматли оқшомхонлар, велосипедга бўлган муносабатингиз ҳақида сизлар ҳам редакциямизга хат йўллайсиз деган умиддамиз.



ОЛИС ЙЎЛЛАР ЧОРЛАЙДИ

— Шамол тобора кучайиб бормоқда. Аммо йўлка ўрмон ўртасида бўлганлиги учун ҳаракатим тўсқинлик бераётгани йўқ. Ўрмондан ташқаридаги тепаликка чиққанимда шамолнинг кучини сездим. У велосипедда ҳаракат қилишга имкон бермай қўйди. Жуда катта қийинчилик билан велосипедни ҳаракатга келтирар эдим. Шу пайт ёмғир томчилай бошлади. У йўлни сирпанчиқ қилиб қўйди. Соатимга қарадим. Мўлжалга олиб қўйган ва ўзим тўхтаб дам олишим мумкин бўлган кишлоққа қадар ҳали 50 минутлар чамаси юришим керак эди. Бирдан жала қуя бошлади. Уст-бошим шалаббо бўлиб кетди. Олдинга силжишнинг иложи йўқ эди. Ўрмонда тунашга тўғри келди. Велосипедни катта дарахт остига қўйиб, овқатлана бошладим. Термосдан чой қуйиб ичдим. Кейин махсус қопчага кириб дам олишга ётдим. Бу қопча ёмғирдан ҳимоя қилиш учун полиэтиленли плёнкадан тайёрланган эди.

Ярим тунда ёмғир тўхтади. Ўрнимдан турдим. Кейин ҳамишалик ҳамроҳи бўлган машинасини кўрикдан ўтказиб яна йўлга чиқдим.

— У ернинг манзараси жуда ажойиб, — дея ҳикоя қилади у. — Қуйбишев шаҳридан Тольяттига борадиган йўл ўрмон ичидан ўтади. Бу ўрмонда турли жониворлар яшашади.

Тольятти шаҳрини томоша қилганидан кейин Наймушин Волга, В. И. Ленин номли Волга гидроэлектростанци я с ининг платинаси орқали Жигулевск шаҳрига келди. Бу кичкина шаҳарча ҳам ўрмон ўртасида жойлашган эди. Бу ерда у бир кун бўлди.

— Бу ҳақиқатан ҳам афсонавий ўлка, — дейди у. — У ерда ҳозир ҳам бир неча асрларнинг гувоҳи бўлган дарахтлар сақланиб қолган.

Виктор Наймушин сафарга жўнаётганида ўзига энг зарур бўлган: рюкзак, дам олиш қопчаси, икки жуфт оёқ кийим, дурбин ва карта, велосипеднинг эҳтиёт қисмларини олади холос. Унинг велосипеди оддий. Шу боисдан ҳам у ўз транспорти шикастланиб қолган пайтларда исталган магазиндан унинг эҳтиёт қисмларини топа олади. Озиқ-овқатларни у йўлда сотиб олади.

Бу йил Виктор Наймушин яна бир маршрут бўйлаб сайр ўтказмоқчи. Унинг нияти Москва ҳалқа йўли бўйлаб сайр қилишдир.

А. УЛИЧКИН.

ЧОРАСИ ТОПИЛДИ

Ҳурматли редакция! Ўзим врач-терапевтман. Йигирма йилдан буён велосипед спорти билан шуғулланаман. Пенсия ёшига яқинлашиб қолганимга қарамасдан велосипед билан шуғулланишни тарк этганим йўқ. Аммо, ҳозир шароит тақозосига кўра велосипед билан ажралишга мажбур бўлиб турибман. Бунинг сабаби спорт жиҳозлари сотиладиган магазинларда пойга велосипедларнинг баллонлари йўқлигидир. Пойга велосипедимни бошқа оддий велосипедга алмаштира олмайман. Чунки, бу велосипедлар мен учун оғирлик қилади. Уз онла аъзоларим билан бизни жуда қизиқтираётган бу саволга жавоб берилишини кутаман.

А. ИБАЙДУЛЛАЕВ.

Ҳақиқатан ҳам кейинги вақтда редакциямизга спорт жиҳозлари сотиладиган магазинларда пойга велосипедларининг баллонлари йўқлиги ҳақида ёзилган жуда кўплаб шикоят хатлари келиб турибди. Улар худди шу сабаб туфайли ўзларининг пойга велосипедларидан фойдаланиша олмаётганликларини қайд қилишмоқда. Биз уларнинг хатларини «Узспортторг» магазини директорининг ўринбосари В. Дементьевга кўрсатиб хатларни шарҳлаб беришни илтимос қилдик. У қуйидагича жавоб берди:

— Бу хатларда келтирилган фактлар биз учун янгилик эмас. Бу муаммонинг кун тартибига қўйилганига анча бўлди, афсуски, бу масалани биз ҳал қила олмаймиз. Республикамизга йилига 18 минг дона пойга велосипедларининг баллонлари юборилади. Улар Ўзбекистон спорт комитетининг кўрсатмасига биноан спорт ташкилотларига тақсимланади. Велоспед спорти шаҳримизда тобора оммалашиб бормоқда ва ривожланяпти. Ажратилаётган баллонлар фақат спортчиларнинг ўзларига ҳам етмаяпти. Шунинг учун биз баллонларни магазинларда сотувга чиқариш чорасини топа олмаяпмиз.

Жавоб қисқа ва аниқ. Аммо, бу пойга велосипедларига эга бўлган кишиларни бу спорт тури билан шуғулланишни тўхтатиб қўйишлари керак деган маънони билдирмайди. Ҳар қандай муаммони ҳал қилишнинг иложи бор. Бу йўлни бизга Тошкент шаҳар спорт комитети раисининг ўринбосари А. Паршин кўрсатиб берди. Пойга велосипеди ғилдиракларини оддий велосипед ғилдираклари билан алмаштирса бўлади. Бундай қилиш қийин эмас. Чунки ҳар икки велосипедни ҳаракатга келтирувчи механизмлар бир хил. Шунинг учун ҳам бу ишни тез ва осонгина уддалаш мумкин. Бундай велосипед оддий велосипедларга нисбатан анча енгил бўлади. Айни пайтда оддий велосипедларнинг ғилдиракларини пойга велосипедларининг ғилдиракларига нисбатан чидамлироқ ва пухтароқ бўлади. Бундай велосипедлар билан нотекис йўлларда ҳам юриш мумкин. Бундан ташқари йўл велосипедларининг камера ва шиналарини жорий ремонтдан чиқариш осон ва қулай.



— Буми ўғлим, музей экспонати. Бошқа жойда мутлақо йўқ...

В. Дачкин чизган расм.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛАДИ

Етти ёшга тўлганимда менга ота-онам «Школьник» велосипедини ҳадя қилишди. Шу кундан бошлаб велосипед менинг доимий ҳамроҳим бўлиб қолди.

Мана уч баҳордан бери май ойини мен ўкам билан биргаликда тоғ бағрларида кутиб олмоқдаман. Бу туризмнинг энг қулай тури. Шу билан бир қаторда велосипед спорти билан шуғулланиш саломатликни мустаҳкамлайди.

А. АЛИМУҲАМЕДОВ.

ЗЎР ҚИЗИҚИШ

1973—74 йилларда юз берган энергетика кризиси вақтидаги велосипедга бўлган қизиқиш ҳамон сақланиб қолмоқда. Жумладан, 1977 йилда ГФРда уч миллионга велосипед ишлаб чиқарилди. Улардан учдан бир қисми экспорт қилинган. Экспорт велосипедлари Америка Қўшма Штатлари, Голландия, Австрия ва Эронга жўнатилган. Ғарбий Европадаги Голландия, Швеция ва Дания жон бошига энг кўп велосипед тўғри келадиган мамлакатлар ҳисобланади.

Велосипед — энг қулай ва тежамкор транспорт воситаси ҳисобланади. Бунга қуйидаги мисол асосида тула ишонч ҳосил қилиш мумкин. Юз грамм оқ қанд. 55 грамм сариёғда мавжуд бўлган 500 калория энергияни сарф қилиш билан велосипедчи 37 километр, йўловчи 14 километр йўлни босиб ўтади. 55 грамм бензин билан таъминланган оддий автомобиль эса 0,7 километр йўл юради. Бундан ташқари велосипед билан шуғулланган киши ўз оғирлигини камайтириши ва саломатлигини мустаҳкамлаши мумкин.

(«За рубежом» журналидан).

КИЛИМАНДЖАРОНИ ЗАБТ ЭТДИ

Жаҳон рекордлари қайд қилиб борилаётган китобга яна бир муҳим нарса қайд қилиб қўйилди. Африкадаги энг баланд тоғ чўққиси — Килиманджаро велосипедчи томонидан забт этилди.

Япониядаги Осака шаҳрида яшовчи 30 ёшли Мотамицу Икэмото азалдан ўзининг доимий ҳамроҳи ва ишончли дўсти бўлган велосипед билан Килиманджаро чўққисига чиқишни орзу қилиб юраркан. Велосипедга ёшлигидан ихлос қўйган бу киши жуда кўп саёҳатларда ва пойгаларда иштирок этди. 1966 йилдаёқ М. Икэмото Япония архипелагидаги оролларни велосипедда кезиб чиққан эди. Орадан икки йил ўтгандан кейин у велосипед билан жаҳон бўйлаб сайрга чиқди. Бу сайрни ниҳоясига етказиш учун деярли 4,5 йил вақт кетди. Бу муддат давомида сайёҳ жаҳоннинг 47 мамлакатлари йўлларини босиб ўтди.

М. Икэмото Килиманджаро чўққисига чиқиш учун махсус тайёргарлик кўрди. Аввало, у альпинизм бўйича махсус курсни тугатди. Кейин машқ тариқасида бир неча чўққиларга чиқиб кўрди. У Африканинг энг баланд тоғ чўққисига тўрт кунда чиқишни планлаштирган эди. Аммо об-ҳавонинг ёмонлиги унга тўсқинлик берди. У чўққига чиқиш учун олти кун сарфлади.

М. Икэмото Килиманджаро чўққисидан қайтиб тушганидан кейин велосипедда Шарқий Африка мамлакатлари бўйлаб саёҳатга жўнади. У жами бўлиб 4 минг километр масофани босиб ўтмоқчи.

БУ — ҚИЗИҚ

ЖАҲОНДА ЭНГ КАТТА

Биз одатда велосипедни бир киши ҳайдашга кўникиб қолганмиз. Тўғри, яқин йилларда ҳам икки ўринли велосипедларда жаҳон биринчилиги мусобақалари ўтказилган. Аммо, бир велосипедни бир вақтнинг ўзида 28 кишининг ҳайдаб бориши жуда қизиқарлидир. Ҳақиқатан ҳам шундай велосипед мавжуд. Уни 1968 йилда Швейцариянинг Зуге шаҳридаги педагогика институтининг студентлари яратишган. Бу велосипеднинг узунлиги 19,5 метр. Бу велосипед билан текис йўлда кетаётганда тезликни соатига 50 километргача ошириш мумкин. Ўша йилдан буён институт студентлари шаҳардан ташқарига дам олгани шу велосипедда чиқишади. Тўғри, улар фақат тўғри йўллар бўйлаб юришга ҳаракат қилишади. Чунки, жаҳонда энг катта ҳисобланган бу велосипедни буриш анча ноқулай.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

28 МАЙ СОАТ 17.00 ДА

СССР биринчилиги учун «ЧЕРНОМОРЕЦ» (Одесса) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ФУТБОЛ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

(Хадра майдони)

1978—79 ўқув йилида ДАВЛАТ ЦИРК ВА ЭСТРАДА САНЪАТИ БИЛИМ ЮРТИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсга 16 ёшдан 20 ёшгача бўлган, спорт тайёргарлигига эга бўлган маҳаллий миллат йигит-қизлари таклиф қилинади.

Справкалар олиш учун Тошкент Давлат циркининг кадрлар бўлимига соат 10.00 дан 17.00 гача учрашилсин.

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1978-79 ўқув йилига ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

самолётсозлик, металларни қирқиб ишлаш, инструментлар ишлаб чиқариш, программа билан бошқариладиган станокларни созлаш ва эксплуатация қилиш, машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш, саноат ускуналарининг монтажи ва ремонти.

ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА ВА ЎРТА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

ҚАБУЛ ТАРТИБИ БАРЧА ТЕХНИКУМЛАР УЧУН УМУМИНДИР.

АРИЗАЛАР КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлганлардан 1 июндан 31 июлгача; ўрта маълумотга эга бўлганлардан 1 июндан 14 августгача;

КЕЧКИ БЎЛИМГА: тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлганлардан 6 августгача; ўрта маълумотга эга бўлганлардан 15 июндан 15 ноябргача қабул қилинади.

Техникум адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев кўчаси 12-уй. Телефон: 33-02,23.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

22-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: дурадгор (ўқиш муддати — 1 йил), паркетчи (1 йил), сувақчи-бўёқчи (1 йил), плитка терувчи (1 йил).

Қурилиш бўёқчиси (ўқиш муддати — 3 йил), пардозловчи-плиткачи (3 йил), қурилиш дурадгори (3 йил), ёғоч ўймакори (3 йил) группаларини битирганларга ўрта маълумот ҳақида аттестат ва билим юртини тамомлаганлиги ҳақида диплом берилади.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Шаҳар атрофидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Қурилиш объектларида амалий машғулотлар ўтказиладиган пайтларда ўқувчиларга иш ҳақининг 33 проценти тўланади.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, формали кийимлар ва махсус иш кийимлари билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли тамомлаган йигит-қизлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Билим юртида ўқув устахоналари, предмет кабинетлари замонавий техник воситалари ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, саккиз йиллик ёки ўрта мактабни тамомлаганлиги ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона расм, характеристика, медицина справкаси.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ленин райони, Астраханская кўчаси, 12-уй (5-трамвайнинг «Кўк бозор», 12-трамвай ва 22-автобус нинг «Дегтярёв кўчаси», 9-автобуснинг «Весна» бекатлари). Телефонлар: 91-26-47; 91-29-50; 91-29-40.

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

31 МАЙ СОАТ 19.30 ДА

«ОКТЯБРЬ 40 ИЙЛЛИГИ» фестивали, Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги конкурсининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС

«ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурси дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилафруз ЖАББОРОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Вилоят ОҚИЛОВА

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилбар ФАЕЗОВА

Солистлар: Гуломжон ЁҚУБОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Ҳавасхон ИСКАНДАРОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, ака-ука Элмурод ва Ҳолмурод ИСЛОМОВЛАР, Дилором ҚАЮМОВА, Моҳичеҳра НУРМУҲАЕДОВА, Бахтиёр ҲОЛҲЎЖАЕВ, Зуҳра ҚОДИРОВА, Абдурашид МУСТАФОҚУЛОВ ва бошқалар.

ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — композитор Мирҳалил МАҲМУДОВ.

Мусика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Сайфиддин ИЎЛДОШЕВ.

Бош балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Акбар МЎМИНОВ.

Бош хормейстер — Султон УМАРОВ.

Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг

«ИНТУРИСТ» АКЦИОНЕР ЖАМИЯТИ БАЗАСИДАГИ

129-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ЎҚУВ ИЙЛИГА

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОШПАЗ (чет эл пазандачилигини билган ҳолда). Ўқиш муддати —2—3 йил; ОФИЦИАНТ (чет тилини билиш билан), ҚАНДОЛАТЧИ. Ўқиш муддати— 2 йил; ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқиш муддати 1 йил; САНОАТ ТОВАРЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқиш муддати—1—3 йил, 8—10-синф маълумотидаги кишилар қабул қилинади; СОВУТИШ ҚУРИЛМАЛАРИ МЕХАНИГИ. Ўқиш муддати — 1 йил. 10 синф маълумотидаги кишилар қабул қилинади.

Ўрта маълумотдаги ўқувчиларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 проценти тўлаб борилади.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар бепул овқат, устки кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 30 проценти билан таъминланади.

Билим юртини тамомлагач, савдо министрлиги ва Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон территориясидаги «Интурист» корхоналарида ишлайдилар.

Билим юртини тугатгач, уларга ўрта маълумот ҳақида аттестат топширилади.

Машғулотлар — зарур кўргазма қуроллари билан жиҳозланган кабинетларда ўтказилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида 8 та спорт секцияси ва бадиий ҳаваскорлик тўгараги ишлаб турибди.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, 3 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, «Юнусобод» массиви, Д—2, Аҳмад Дониш кўчаси, 28-уй, (51-автобуснинг «Билим юрти» бекати, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Университет» бекати).

АЭРОФЛОТНИНГ ЯНГИ РЕЙСЛАРИ

МАРКАЗИЙ АВИАЦИЯ ЙЎЛЛАРИДА

1 ИЮНДАН БОШЛАБ

ИККИ ЯНГИ РЕЙС ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

7924 «Тошкент — Калининград» рейси

Донецк ва Минскда қўниб ўтади. ТУ—134 самолёти ана шу авиация йўлида ҳафтада тўрт марта: душанба, сешанба, пайшанба, шанба кунлари қатнайди. Самолёт Тошкентдан соат 3.45 да кўтарилади, Калининградга соат 14.30 минут (Москва вақти билан) да бориб қўнади.

Калининграддан орқага қайтиш 7923 рейси бўйича душанба, чоршанба, жума, якшанба кунлари училади. Самолёт Калининграддан соат 16.30 да кўтарилади ва Тошкентга соат 2.45 минут (Москва вақти билан) да қўнади.

8436 «Тошкент — Таллин» рейси

Челябинск ва Куйбишевда қўниб ўтади. Ана шу трассада ТУ—134 самолёти қатнайди. Учиш кунлари — сешанба, пайшанба, шанба. Самолёт Тошкентдан соат 19.40 минутда кўтарилади ва Таллинга соат 4.45 минутда бориб қўнади. Таллиндан орқага қайтиш 8435 рейси соат 10.10 да кўтарилади ва Тошкентга 18.35 (Москва вақти билан) да келиб қўнади.

Аэрофлот маҳаллий ҳаво йўлларида яна бир неча рейсларни жорий этди.

Сиз У—243 рейси билан ЯК—40 самолётида Қўқондан Самарқандга, У—244 рейси билан эса орқага учишингиз мумкин.

31 майдан бошлаб бу рейс душанба, чоршанба, жума, якшанба кунлари учади ва 1 июндан бошлаб эса ҳар куни қатнайди. Самолёт Қўқондан соат 14.24 минутда кўтарилади ва Самарқандга соат 15.34 минутда келиб қўнади. Самарқандан эса самолёт соат 15.55 минутда кўтарилади ва Қўқонга соат 17.05 минутда (Москва вақти билан) да келиб қўнади.

У—509—510 — «Қарши — Душанба — Қарши» рейси. ЯК—40 самолётлари ана шу ҳаво йўлида ҳар куни қатнайди. Қаршидан соат 10.20 минутда кўтарилади ва Душанбага соат 11.20 минутда бориб қўнади. Душанбадан соат 11.55 минутда кўтарилади ва Қаршига соат 13.00 (Москва вақти билан) да келиб қўнади.

ҲАВО ЙЎЛЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

26 МАЙ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Сиз бунга қодирсиз». «Ишлар илмий-техника ижодиёти Марказий кўргазмасидан репортаж. 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. 18.50 «Чегарачилар». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.40 Н. Осипов номли Давлат рус халқ чолғу оркестрининг концерти. 20.25 «Қадрдонлар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 РСФСР халқ артисти Э. Пьеха иштирокида фильм-концерт премьераси. 22.45 «Галатея». Фильм-балет. 23.40 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Куйловчи расмлар». Болалар учун фильм-концерт. 18.10 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.40 «Фильмни суратга олиш майдончасидан репортаж». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти, кинорежиссёр Комил Ерматов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 18.55 «Себрие Эреджепова куйлайди». Телевизион фильм-концерт. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Паранжи». Ҳужжатли фильм. 19.40 «Ассалом, Россия!». Ўзбекистонда РСФСР адабиёти ва санъати кунлари қатнашчилари ҳақида ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V Халқаро Тошкент кинофестивалида». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғўза парваришини сифатли ўтказайлик». 22.15 «Бир пардали балетлар». А. Навоий номли Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

27 МАЙ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ип ва мушукча». Мультфильм. 18.55 «Вазнинг обзор». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов олиб боради. 19.55 «Саргузашт фильмлар экрани». «Иссиқкулнинг алвон лолалари». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Чегарачилар кунига бағишланган Останкино концерт студиясида байрам кечаси, 24.00 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Б. Иванов. «Гипнознинг кудрати». Телевизион спектакль премьераси. 11.00 «Чўлдаги Пахтакор». 11.15 Шеърият мухлисларига. 11.25 «Аччиқ данак». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм») (рус.). 12.30 «Онда муҳокамасига» (рус.). 13.00 «Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V Халқаро Тошкент кинофестивалининг ҳужжатли экрани». 14.00 «Инсон ва қонун». 14.30 «Тенглар оиласида». Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ешларининг концерти.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «До-ре-ми-фа-соль». Болалар учун музикали ўқув кўрсатуви. 18.10 «Спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақа қатнашчилари бизнинг меҳмонимиз». 18.35 «Советский воин». Тележурнал. СССР чегара қўшинларининг 60 йиллигига бағишланган махсус сон. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Қизлар даврасида». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Самарқанд». Ҳужжатли фильм. 21.00 «Мен балеринаман». СССР халқ артисти Бернора Қориеванинг ижоди ҳақида телевизион фильм-концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пиллакорларнинг меҳнат рапортлари». 22.15 «Замон назми-навоси». Собир Абдулла. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

26 МАЙ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85 шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий ватанпар варлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 07608. Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми тети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1318.